60.	<p>Сурхондарёдаги буддизм меросини қайта тиклаш ва уни илмий ўрганиш бўйича япон археологи Кюдзо Като бошлаган ишларни тиклаш, малакали япон олимларини жалб қилиш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: чора-тадбирлар режаси</p>	2021 йилдан бошлаб доимий равища	<p>Амалга ошириш учун – Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов), Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов),</p> <p>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У.Азамов)</p>	Вазирлар Маҳкамаси (Б.Мусаев, А.Абдуҳакимов)
61.	<p>Буддизм обидаларини ўрганиш бўйича археологик туризм йўналишида буддизм эътиқоди тарқалган мамлакатлардан ўқитувчи ва талабалар учун маҳсус турлар ташкил этиш, уларнинг узоқ муддатга Сурхондарёда қолиб, изланиш ва амалиёт дарсларини ташкил этиш бўйича шароитлар яратиш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: чора-тадбирлар режаси</p>	2021 йилдан бошлаб доимий равища	<p>Амалга ошириш учун – Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов),</p> <p>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф.Давруков),</p> <p>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов)</p>	Вазирлар Маҳкамаси (Б.Мусаев, А.Абдуҳакимов)
62.	<p>Ўзбекистон ҳудудида буддизм кириб келиши ва ривожи тарихига бағишилаб маҳсус видео ролик ва брошюралар яратиш ва хорижий бозорларда тарғиб этиш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: чора-тадбирлар режаси</p>	2021 йил май ойидан бошлаб доимий равища	<p>Ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У.Азамов),</p> <p>Дин ишлари бўйича қўмита (А.Ахмедов), Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов)</p>	Вазирлар Маҳкамаси (А.Абдуҳакимов)
63.	<p>Хитой бозори учун Ўрта Осиёning буддизм мероси ва Фарғона отлари (Самовий дулдуллар) мавзулари бўйича видеороликлар яратиш.</p> <p>Амалга ошириш шакли: тарғибот материаллари ишлаб чиқиш</p>	2021 йил май-июнь	<p>Ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У.Азамов),</p> <p>Маданият вазирлиги (О.Назарбеков),</p> <p>Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов),</p> <p>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов)</p>	Вазирлар Маҳкамаси (А.Абдуҳакимов)

64.	<p>Юртимизнинг турли динлар меросини акс эттирувчи видеороликларни авиа, жумладан хорижий авиакомпаниялар ва поездлар бортлари медиатекасига киритиш.</p> <p><i>Амалга ошириш шакли: тарғибот материалларини ишлаб чиқиш</i></p>	2021 йил март ойидан бошлаб доимий равища	<p><i>Ишлаб чиқиш учун – Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У.Азамов), Дин ишлари бўйича қўмита (А.Ахмедов)</i></p> <p><i>Ташкил этиш учун – Транспорт вазирлиги (И.Маҳкамов)</i></p>	Вазирлар Маҳкамаси (А.Раматов, А.Абдуҳакимов)
-----	--	---	---	---

**Хорижий тилларга таржима қилинадиган ва тарғиботи кенг амалга ошириладиган,
алломалар ва зиёратгоҳлар түғрисидаги фильмлар
РҮЙХАТИ**

Т/р	Фильмлар номи	Таржима қилинадиган тиллар	Тарғиб қилиш ёки яратиш механизми
Таржима қилинадиган мавжуд фильмлар			
1.	“Имом Ат-Термизий” бадиий фильм (2018 йил, ўзбек тилида)	Инглиз, турк, индонез, араб, урду,ベンガル, рус, форс, француз, малай тиллари	Мавжуд фильмдан эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
2.	“Ибн Сино” ҳужжатли фильм (2016 йил, ўзбек тилида)	Инглиз, турк, индонез, араб, урду,ベンガル, рус, форс, француз, малай тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
3.	“Аз-Замахшарий” ҳужжатли фильм (2014 йил, ўзбек тилида)	Араб, инглиз, турк, рус, урду тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси
4.	“Абу Райхон Беруний” ҳужжатли фильм (2011 йил, ўзбек тилида)	Инглиз, турк, индонез, араб, урду,ベンガル, афғон, рус, форс, француз, малай тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
5.	“Захиридин Муҳаммад Бобур” ҳужжатли фильм (2012 йил, ўзбек тилида)	Инглиз, турк, индонез, араб, урду,ベンガル, рус, форс, француз, малай тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
6.	“Маҳмуд Кошғарий” ҳужжатли фильм (2013 йил, ўзбек тилида)	Турк, озарбайжон, рус, инглиз тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
7.	“Насафий” ҳужжатли фильм (2017 йил, ўзбек тилида)	Инглиз, турк, индонез, араб, малай тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
8.	“Жомий” ҳужжатли фильм (2018 йил, ўзбек тилида)	Рус, инглиз, тоҷик тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
9.	“Сузук ота” ҳужжатли фильм (2019 йил, ўзбек тилида)	Рус, турк, қозоқ, инглиз, индонез тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
10.	“Нақшбандий” ҳужжатли фильм (2018 йил, ўзбек тилида)	Инглиз, турк, индонез, араб, урду,ベンガル, рус, форс, француз, малай тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш

Т/р	Фильмлар номи	Таржима қилинадиган тиллар	Тарғиб қилиш ёки яратиш механизми
11.	“Паҳлавон Маҳмуд” ҳужжатли фильм (2019 йил, ўзбек тилида)	Инглиз, турк, индонез, араб, урду, бенгал, рус, форс, француз, малай тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
12.	“Улуғбек” ҳужжатли фильм (1993 йил, ўзбек тилида)	Инглиз, турк, индонез, араб, урду, бенгал, рус, форс, француз, малай тиллари	Фильмдан эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
13.	“Нажмиддин Кубро” ҳужжатли фильм (1995 йил, ўзбек тилида)	Араб, форс, рус, инглиз тиллари	Фильмдан эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
14.	“Амир Темур” бадиий фильм (1996 йил, ўзбек тилида)	Инглиз, турк, индонез, араб, урду, бенгал, рус, форс, француз, малай тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
15.	“Буюк Соҳибқирон” ҳужжатли фильм (1996 йил, ўзбек тилида)	Инглиз, турк, индонез, араб, урду, бенгал, рус, форс, француз, малай тиллари	Фильмдан эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
16.	“Имом ал-Бухорий” ҳужжатли фильм (1998 йил, ўзбек тилида)	Инглиз, турк, индонез, араб, урду, бенгал, рус, форс, француз, малай тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
17.	“Беҳзод” ҳужжатли фильм (1999 йил, ўзбек тилида)	Инглиз, турк, индонез, араб, урду, бенгал, рус, форс, француз, малай тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
18.	“Фиқҳ оламининг сultonни (Марғиноний)” ҳужжатли фильм (2000 йил, ўзбек тилида)	Араб, турк, рус, урду тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
19.	“Хўжа Аҳмад Яссавий” ҳужжатли фильм (2004 йил, ўзбек тилида)	Араб, инглиз, турк, рус, урду тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
20.	“Мирзо Улуғбек” ҳужжатли фильм (2007 йил, ўзбек тилида)	Инглиз, турк, индонез, араб, урду, бенгал, рус, форс, француз, малай тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш
21.	“Имом ал-Бухорий” ҳужжатли фильм (2007 йил, ўзбек тилида)	Инглиз, турк, индонез, араб, урду, бенгал, рус, форс, француз, малай тиллари	Тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш

Янги тасвирга олинадиган фильмлар мавзулари

22.	“Имом Доримиий” ҳужжатли фильм (ўзбек тилида)	Инглиз, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
23.	Камолиддин Беҳзод миниатюралари асосида мультфильмлар серияси (ўзбек тилида)	Инглиз, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
24.	Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва ижоди тўғрисида бадиий фильм (ўзбек тилида)	Инглиз, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади

Т/р	Фильмлар номи	Таржима қилинадиган тиллар	Тарғиб қилиш ёки яратиш механизми
25.	“Имом Мотуридий” ҳужжатли фильм (ўзбек тилида)	Турк, араб, инглиз, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
26.	“Паҳлавон Маҳмуд” бадиий фильм (ўзбек тилида)	Форс, инглиз, урду, ҳинд, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
27.	“Мұхаммад ал-Хоразмий” ҳужжатли фильм (ўзбек тилида)	Инглиз, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
28.	“Амир Темур ва Аҳмад Яссавий мақбараси” ҳужжатли фильм (ўзбек тилида)	Турк, форс, инглиз, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
29.	“Бухоро яҳудийлари тарихи” мавзусидаги ҳужжатли фильм (ўзбек тилида)	Инглиз, иврит, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
30.	“Бухоро яҳудийларидан чиққан таниқли шахслар” ҳужжатли фильм (ўзбек тилида)	Инглиз, иврит, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
31.	Буддизм саёҳати – Термиз ҳудудидаги буддизм салтанати (ўзбек тилида)	Инглиз, ҳинд, япон, хитой, корейс, вьетнам, тай, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
32.	Зардушт ва қадимги Хоразм мавзусидаги ҳужжатли фильм (ўзбек тилида)	Форс, ҳинд, инглиз, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
33.	Ўзбекистон мадрасалари мавзусида маърифий сериал (ўзбек тилида)	Турк, араб, индонез, форс, инглиз, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
34.	“Султон Увайс Қороний” ҳужжатли фильм (ўзбек тилида)	Инглиз, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
35.	“Насриддин Афанди” минисериялари (ўзбек тилида)	Турк, инглиз, индонез	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
36.	“Олтин Силсила” Нақшбандия пирлари ҳақида ҳужжатли фильм (ўзбек тилида)	Турк, инглиз, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
37.	“Хўжаназар Ҳувайдо” ҳужжатли фильм (ўзбек тилида)	Турк, инглиз, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади
38.	“Самарқанд толиблари” – Абдуллоҳ Рудакий, Умар Ҳайём, Али Қушчи каби алломаларнинг Самарқанддаги ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли фильм (ўзбек тилида)	Тожик, турк, форс, инглиз, рус	Сценарий “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан шакллантирилади

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” февралдаги 100-сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш харажатларининг бир қисмини
Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан
қайтариштариби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан авиаташувчиларга маҳаллий йўналишлардаги авиақатновлар учун чипта нархининг бир қисмини, шунингдек, туроператор ва турагентларга маҳаллий туристлар учун Ўзбекистон бўйлаб ташкил этилган саёҳатларнинг авиа ва темир йўл чипталари ҳамда жойлаштириш воситаларининг меҳмонхона хизматлари ҳаражатларининг бир қисмини қайтариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

авиаташувчи – Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпанияси;

транспорт чиптаси – Ўзбекистон Республикасининг бир ҳудудидан иккинчи ҳудудига авиа ва (ёки) темир йўл транспорти орқали саёҳатни амалга ошириш учун харид қилинган йўл ҳужжати;

жойлаштириш воситалари – меҳмонхоналар, туристик базалар ва мажмуналар, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, меҳмон уйлари, ўтов ва чодирли оромгоҳлар, санаторийлар ҳамда меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш бўйича хизматлар) кўрсатиладиган бошқа обьектлар, шунингдек, жойлаштириш воситаси сифатида тунаб қолиш учун жиҳозланган ер усти транспорти;

меҳмонхона хизматлари – жойлаштириш воситаларида вақтинчалик яшаш жойи бериш бўйича хизматлар;

маҳаллий турист – Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс;

маҳсус комиссия – субсидияланадиган авиа қатновлар чипталари ва меҳмонхона хизматлари нархларини ҳамда авиа ва темир йўл қатнови йўналишларини белгилаш бўйича тузилган комиссия;

маҳсус тариф – маҳсус комиссия томонидан авиа чипталар нархининг ҳамда субсидияланадиган меҳмонхона хизматлари нархининг қатъий миқдорда белгиланадиган энг юқори (чекланган) даражаси (суммаси);

субсидияланадиган авиақатнов – маҳсус комиссия томонидан тасдиқланган маҳаллий йўналишлар бўйича амалга ошириладиган авиақатнов;

саёҳат ташкилотчиси – туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуки асосида маҳаллий туристлар учун Ўзбекистон бўйлаб саёҳат (тур) ташкил қилган туроператор ёки саёҳат (тур)ни сотувчи турагент;

субсидия – авиаташувчиларга маҳаллий йўналишлардаги авиақатновлар учун чипта нархининг бир қисмини, шунингдек, туроператор ва турагентларга маҳаллий туристлар учун Ўзбекистон бўйлаб ташкил этилган саёҳатларнинг транспорт чипталари ҳамда меҳмонхона хизматлари нархларининг бир қисмини қайтариш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан ажратиладиган маблағ.

3. Субсидия 2021 йил 1 марта 2022 йил 1 июнгача:

авиаташувчиларга – ички туризм йўналишларидағи авиақатновларда авиа чипта нархининг 25 фоизи;

саёҳат ташкилотчиларига – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ташкил этилган турлар юзасидан транспорт чипталари нархининг 15 фоизи ҳамда меҳмонхона хизматлари нархининг 10 фоизи миқдорида ажратилади.

4. Саёҳат ташкилотчиларининг меҳмонхона харажатлари учун субсидия саёҳат амалга оширилган ҳудудлардаги жойлаштириш воситаларида камида бир кеча тунаб қолиш шарти билан тақдим этилади.

2-боб. Маҳаллий йўналишлардаги авиақатновлар учун субсидия ажратиш тартиби

5. Субсидияланадиган авиақатновлар йўналишлари Махсус комиссия қарори билан тасдиқланади. Махсус комиссия қарорида субсидияланадиган авиақатнов амалга ошириладиган йўналиш (маршрут) ва амал қилиш муддати, уни узайтириш шартлари ҳамда махсус тариф белгиланади.

Субсидия ҳар ойда тўлаб борилади.

6. Авиаташувчиларга субсидия республиканинг бир вилояти/шаҳридан иккинчи вилояти/шаҳрига амалга оширилган авиақатновлар учун ҳаво кемасининг тежамкор (“econom”) хизмат кўрсатиш тоифаси чипта нархининг 25 фоизи миқдорида ажратилади.

Бунда, махсус комиссия тежамкор (“econom”) хизмат кўрсатиш тоифаси чипта нархини бир хил нархда белгилаши мумкин.

7. Авиаташувчи махсус тарифни мустақил пасайтириш ҳуқуқига эга. Махсус комиссия томонидан зарур ҳолларда махсус тариф қайта кўриб чиқилиши мумкин.

8. Субсидияланадиган авиақатнов Махсус комиссия қарорига мувофиқ бекор қилиниши мумкин.

9. Авиаташувчи амалга оширилган субсидияланадиган авиақатновлар учун ҳар ой якуни бўйича ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмай ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда Транспорт вазирлигига субсидия ажратиш тўғрисида ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қиласи.

10. Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ариза берувчининг номи, жойлашган жойи (почта манзили), СТИР ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкидаги ҳисобрақами реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилган субсидияланадиган авиақатновлар сони, ҳаво кемалари тури ва улардаги ўриндиқлар сони, ҳақиқатда сотилган чипта сони ва нархи бўйича жамлама реестр.

11. Субсидия ажратиш учун тақдим этилган ҳужжатлар, маълумотлар ва ҳисоб-китоблар авиаташувчи томонидан имзо билан тасдиқланади.

12. Субсидияланадиган авиақатновлар учун субсидия ажратиш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

13. Ариза ва аризага илова қилинадиган барча ҳужжатларнинг асослилиги Транспорт вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилади.

14. Транспорт вазирлиги ариза келиб тушган кундан бошлаб 5 иш кунида ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг мазкур Низом талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади.

15. Транспорт вазирлиги аризани ўрганиб чиққандан сўнг, бир иш куни мобайнида субсидия ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Қарорнинг нусхаси қабул қилинган кунда авиаташувчига юборилади.

16. Субсидия ажратиш рад этилган тақдирда, рад этиш учун асос бўлган сабаблар аниқ кўрсатиб ўтилган қарор авиаташувчига ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунида юборилади.

Авиаташувчи қарорни олган кундан бошлаб кўпи билан икки ҳафта муддатда кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Транспорт вазирлигига такroran ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

17. Субсидия ажратиш қўйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

а) ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар тақдим қилинмаган ёки тўлиқ ҳажмда тақдим қилинмаганлиги;

б) тақдим қилинган ҳужжатларнинг нотўғрилиги;

в) ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган маблағлар ажратиш муддатининг тугаши.

Субсидия олишни ушбу бандда кўрсатиб ўтилмаган асослар бўйича рад этиш мумкин эмас.

18. Ариза такroran тақдим этилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида Транспорт вазирлиги томонидан қайта кўриб чиқилади.

Бунда янги асослар бўйича субсидия ажратишни рад этиш мумкин эмас.

19. Ушбу Низомнинг 16-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган муддат тугагандан кейин тақдим қилинган ариза янгидан берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

20. Транспорт вазирлиги авиаташувчига субсидия ажратиш учун Молия вазирлигига авиаташувчи түғрисидаги маълумотлар ва ажратилаётган маблағлар ҳисоб-китоби акс эттирилган буюртманомани тақдим этади.

21. Молия вазирлиги Транспорт вазирлиги томонидан тақдим этилган буюртманомани уч иш кунида кўриб чиқади ва тегишли маблағларни авиаташувчига субсидия ажратиш учун белгиланган тартибда очилган Транспорт вазирлигининг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказади.

Бунда авиаташувчига субсидия ажратиш учун Молия вазирлиги томонидан Транспорт вазирлигига белгиланган тартибда шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади.

22. Маблағлар келиб тушганидан сўнг Транспорт вазирлиги уч иш кунида авиаташувчининг уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклардаги ҳисобрақамларига белгиланган субсидия маблағларини ўтказиб беради.

3-боб. Авиаташувчиларга ажратиладиган субсидия миқдорини аниқлаш тартиби

23. Субсидия миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$C_m = (Ч_c^* \times MT) / 100 \times 25$$

Бунда,

C_m – субсидия миқдори;

$Ч_c$ – тежамкор (“econom”) хизмат кўрсатиш тоифасида сотилган чипта сони;

* – сотилган чипта сони ҳаво кемасининг тежамкор (“econom”) хизмат кўрсатиш тоифаси бўйича 50 фоиздан кам юкланишини ташкил этган бўлса, 50 фоиз юкланишдаги чипта сони;

MT – маҳсус тариф.

24. Маҳсус тарифни аниқлашдаги ҳаво кемасининг юкланиш даражаси авиаташувчи томонидан Маҳсус комиссия билан келишилган ҳолда қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бунда, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан қўшимча маблағлар ажратиш талаби юзага келишига йўл қўйилмайди.

25. Маҳсус тарифга қонунчиликда кўзда тутилган имтиёзлар қўлланилган тақдирда, субсидия миқдори маҳсус тарифдан келиб чиқиб аниқланади.

26. Авиаташувчи авиа чипта нархини субсидия миқдорини айирган ҳолда авиа чипталарни реализация қилиши шарт.

27. Авиаташувчи ҳар бир авиа чиптани барча тежамкор (“econom”) хизмат кўрсатиш тоифаларида мавжуд ўринлар учун Маҳсус комиссия томонидан белгиланган нархда реализация қилиши шарт.

Авиаташувчи томонидан саёҳат ташкилотчиларига авиа чипта миқдори (сони) ни чеклаган миқдорда реализация қилинишига йўл қўйилмайди.

28. Авиаташувчи тежамкор (“econom”) хизмат кўрсатиш тоифаси сонини шафоф кўрсатиши шарт.

4-боб. Саёҳат ташкилотчисига транспорт чипталари ҳамда меҳмонхона хизматлари учун субсидия ажратиш тартиби

29. Субсидия саёҳат ташкилотчисининг маҳаллий туристларга Ўзбекистон бўйлаб ташкил этилган саёҳатларнинг қўйидаги харажатлари учун ажратилади:

- а) транспорт чипталари харажатларининг 15 фоизи;
- б) меҳмонхона хизматлари харажатларининг 10 фоизи.

30. Саёҳат ташкилотчиси томонидан саёҳат транспорт чипталарини харид қилмасдан ташкил этилган бўлса, саёҳат ташкилотчиси ушбу Низомнинг 29-банди “б” кичик бандида белгиланган меҳмонхона хизматлари харажатлари учун ариза топшириш ва субсидия олиш ҳуқуқига эга.

Бунда, субсидия ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган талаблар асосида ажратилади.

31. Субсидия саёҳат ташкилотчисига маҳсус тарифда белгиланган авиа чипталар ва меҳмонхона хизматлари нархидан юқори бўлган харажатлар учун ажратилмайди.

32. Ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган муддатлардан олдин ва кейин амалга оширилган саёҳатларга субсидия олиш учун берилган аризалар кўриб чиқилмайди.

5-боб. Саёҳат ташкилотчиларининг субсидия олиш учун аризаларни топшириш тартиби

33. Саёҳат ташкилотчиси субсидия олиш мақсадида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) га ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) ариза берувчининг номи, жойлашган жойи (почта манзили), СТИР ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкидаги ҳисобрақами реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар;

б) авиа ва темир йўл чипталари учун тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (агар саёҳат субсидияланадиган авиа ва темир йўл йўналишлари орқали амалга оширилган бўлса);

в) саёҳат ташкилотчилари томонидан жойлаштириш воситаларида маҳаллий туристларга кўрсатилган хизматлар учун тузилган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (электрон ҳисобварақ-фактура, касса ёки терминал аппарат чеклари, банк тўлов ҳужжатлари) нусхалари;

г) туристик ваучерларнинг нусхалари.

34. Саёҳат ташкилотчисига субсидия ажратиш ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

35. Қўмита ариза олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида ҳужжатларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини текширади.

36. Қўмита аризани ўрганиб чиққандан сўнг, бир иш куни мобайнида субсидия ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Қарорнинг нусхаси қабул қилинган кунда саёҳат ташкилотчисига юборилади.

37. Субсидия ажратиш рад этилган тақдирда, рад этиш учун асос бўлган сабаблар аниқ кўрсатиб ўтилган қарор саёҳат ташкилотчисига ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидаги юборилади.

Саёҳат ташкилотчиси қарорни олган кундан бошлаб кўпи билан икки ҳафта муддатда кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Қўмитага тақроран ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

38. Субсидия ажратиш қўйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

а) ушбу Низомнинг 33-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар тақдим қилинмаган ёки тўлиқ ҳажмда тақдим қилинмаганлиги;

б) тақдим қилинган ҳужжатларнинг нотўғрилиги;

в) ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган маблағлар ажратиш муддатининг тугаши.

Субсидия олишни ушбу бандда кўрсатиб ўтилмаган асослар бўйича рад этиш мумкин эмас.

39. Ариза тақроран тақдим этилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида Қўмита томонидан қайта кўриб чиқилади.

Бунда янги асослар бўйича субсидия ажратишни рад этиш мумкин эмас.

40. Ушбу Низомнинг 37-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган муддат тугагандан кейин тақдим қилинган ариза янгидан берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

41. Қўмита саёҳат ташкилотчисига субсидия ажратиш учун Молия вазирлигига саёҳат ташкилотчилари тўғрисидаги маълумотлар ва ажратилаётган маблағлар ҳисоб-китоби акс эттирилган буюртманомани тақдим этади.

42. Молия вазирлиги Қўмита томонидан тақдим этилган буюртманомани уч иш кунидаги кўриб чиқади ва тегишли маблағларни саёҳат ташкилотчиларига субсидия ажратиш учун белгиланган тартибда очилган Қўмитанинг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказади.

Бунда саёҳат ташкилотчиларига субсидия ажратиш учун Молия вазирлиги томонидан Қўмитага белгиланган тартибда шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади.

43. Маблағлар келиб тушганидан сўнг Қўмита уч иш кунидаги саёҳат ташкилотчиларининг уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклардаги ҳисобрақамларига белгиланган субсидия маблағларини ўтказиб беради.

6-боб. Якунловчи қоидалар

44. Субсидия олиш учун тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўғрилигига ариза берувчилар масъул ҳисобланади.

45. Транспорт вазирлиги авиаташувчилар учун, Қўмита саёҳат ташкилотчилари учун субсидия ажратиш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағларнинг етказилиши юзасидан масъул ҳисобланади.

46. Субсидия маблағлари авиаташувчилар ва саёҳат ташкилотчиларига ўтказилиши устидан назорат қилиш Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

47. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш
харажатларининг бир қисмини Ўзбекистон
Республикаси республика бюджетидан қайтариш
тартиби тўғрисидаги Низомга
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлигига**

**Субсидия ажратиш тўғрисида
АРИЗА**

(юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ ариза берувчининг тўлиқ номи)

манзил бўйича рўйхатдан ўтган
(манзил, телефон, факс, электрон почта)

(рўйхатдан ўтиш рақами, санаси, гувоҳнома берган орган номи)

раҳбари/директори: _____ номидан
(ариза берувчининг лавозими, Ф.И.О.)
_____ га
(авиаташувчи номи)

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия
ажратишингизни сўрайман.

Амалга оширилган авиақатновлар (йўналиш номи, авиарейс сони, рақами ва
санаси): _____

Сотилган чипталар сони: _____

Субсидия ўтказиб бериладиган ҳисобрақам: _____

Сана: _____

Рахбар Ф.И.О. ва имзоси: _____

Бош ҳисобчи Ф.И.О. имзоси: _____

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш
харажатларининг бир қисмини Ўзбекистон
Республикаси республика бюджетидан қайтариш
тартиби тўғрисидаги Низомга
2-илова

**Авиаташувчиларга маҳаллий йўналишлардаги
авиақатновлар учунсубсидия ажратиш
СХЕМАСИ**

Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
Авиаташувчи	Транспорт вазирлигига субсидия ажратиш учун мурожаат қилади	Ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 10 санаасигача
Транспорт вазирлиги	Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни Низом талабларига мослигини кўриб чиқади ва субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	беш иш кунида
Транспорт вазирлиги	Авиаташувчига субсидия ажратиш учун Молия вазирлигига авиаташувчи тўғрисидаги маълумотлар ва ажратилаётган маблағлар ҳисобкитоби акс этирилган буюртманомани тақдим этади.	бир иш кунида
Транспорт вазирлиги	Субсидия ажратиш рад этилган тақдирда, рад этиш учун асос бўлган сабаблар аниқ кўрсатиб ўтилган қарор авиаташувчига юборади.	бир иш кунида
Авиаташувчи	Қарорни олган кундан бошлаб кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Транспорт вазирлигига такороран ариза билан мурожаат қилади	икки ҳафта муддатда
Молия вазирлиги	Транспорт вазирлиги томонидан тақдим этилган буюртманомани кўриб чиқади ва тегишли маблағларни авиаташувчига субсидия ажратиш учун белгиланган тартибда очилган Транспорт вазирлигининг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказади.	уч иш кунида
Транспорт вазирлиги	Маблағлар келиб тушганидан сўнг Транспорт вазирлиги авиаташувчининг уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклардаги ҳисобрақмаларига белгиланган субсидия маблағларини ўтказиб беради.	уч иш кунида

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш
харажатларининг бир қисмини Ўзбекистон
Республикаси республика бюджетидан қайтариш
тартиби тўғрисидаги Низомга
З-илова

Ўзбекистон Республикаси
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига

Субсидия ажратиш тўғрисида
АРИЗА

(юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномага биноан сўровчининг тўлиқ номи)

(манзил, телефон, факс, электрон почта)

_____ манзил бўйича рўйхатдан ўтган,
(рўйхатдан ўтиш рақами, санаси, гувоҳнома берган орган номи)

шахс номидан,

(сўровчи раҳбарининг лавозими, Ф.И.О.)

- транспорт чипталари харажатларини қоплаш учун;
- меҳмонхона хизматлари харажатларини қоплаш учун;
(зарурат бўлганда танлаш лозим)

_____ манзилда жойлашган

(вилоят, туман (шаҳар), кўча, бино)

Харажатларни қоплашда жами: _____ сўм миқдорида субсидия ажратишингизни сўрайман.

Корхонанинг жойлашган жойи (почта манзили): _____
_____ СТИР рақами: _____

Электрон почта манзили: _____

Ҳисобрақам: _____

Илова: _____ варакда

_____ (Ф.И.О.)

_____ (шахсий имзо)

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш
харажатларининг бир қисмини Ўзбекистон
Республикаси республика бюджетидан қайтариш
тартиби тўғрисидаги Низомга
4-илова

**Саёҳат ташкилотчиларига транспорт чипталари
ҳамда меҳмонхона хизматлари
учун субсидия ажратиш
СХЕМАСИ**

Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
Саёҳат ташкилотчиси	Қўмитага субсидия ажратиш учун мурожаат қиласди	Ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 15 санаасигача
Қўмита	Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни Низом талабларига мослигини кўриб чиқади ва субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.	ўн иш кунида
Қўмита	Саёҳат ташкилотчисига субсидия ажратиш учун Молия вазирлигига авиаташувчи тўғрисидаги маълумотлар ва ажратилаётган маблағлар ҳисоб-китоби акс эттирилган буюртманомани тақдим этади.	бир иш кунида
Қўмита	Субсидия ажратиш рад этилган тақдирда, рад этиш учун асос бўлган сабаблар аниқ кўрсатиб ўтилган қарор авиаташувчига юборади.	бир иш кунида
Саёҳат ташкилотчиси	Қарорни олган кундан бошлаб кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Қўмитага такоран ариза билан мурожаат қиласди	икки ҳафта муддатда
Молия вазирлиги	Қўмита томонидан тақдим этилган буюртманомани кўриб чиқади ва тегишли маблағларни саёҳат ташкилотчисига субсидия ажратиш учун белгиланган тартибда очилган Қўмитанинг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказади.	уч иш кунида
Қўмита	Маблағлар келиб тушганидан сўнг Қўмита саёҳат ташкилотчисининг уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклардаги ҳисобрақмаларига белгиланган субсидия маблағларини ўтказиб беради.	уч иш кунида

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” февралдаги 100-сон қарорига
б-илова

**Субсидияланадиган авиа ва темир йўл қатнови йўналишларини, авиа
чишталар ва меҳмонхона хизматларини субсидиялаш миқдорини
белгилаш бўйича маҳсус комиссия
ТАРКИБИ**

- | | |
|--------------------|--|
| 1. А. Абдухакимов | - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси, комиссия раиси |
| 2. И. Махкамов | - транспорт вазири, комиссия раиси ўринbosари |
| 3. Ф. Давруков | - Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринbosари, комиссия раиси ўринbosари |
| 4. Ж. Чориев | - транспорт вазири ўринbosари |
| 5. Қ. Тапаров | - молия вазири ўринbosари |
| 6. Т. Улжаев | - Фуқаро авиацияси агентлиги директори в.б. |
| 7. У. Хусанов | - “Uzbekistan Airways” АЖ бошқарув раиси ўринbosари |
| 8. Х. Хасилов | - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси |
| 9. А. Мирзарахимов | - Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи – комиссия котиби |

Изоҳ. Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар комиссия таркибига киритилади.

Зиёрат туризмини ривожлантиришни мувофиқлаштириш кенгаши ТАРКИБИ

- | | |
|-------------------|--|
| 1. А. Абдуҳакимов | – Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари, <i>Кенгаш раиси</i> |
| 2. А. Ахмедов | – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси, <i>Кенгаш раиси ўринбосари</i> |
| 3. У. Алимов | – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий |
| 4. Ш. Миноваров | – Ислом цивилизацияси маркази директори |
| 5. Ж. Носиров | – Маданият вазирининг биринчи ўринбосари |
| 6. Ф. Абдуҳаликов | – “Ўзбеккино” миллий агентлиги бош директори |
| 7. З. Эшонқулов | – Самарқанд вилояти бош имом-хатиби |
| 8. Б. Қодиров | – Дин ишлари бўйича қўмита Ноисломий ташкилотлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Шарқшунос тадқиқотчи, Эрон, Форс маданияти, Тасаввуф адабиёти бўйича мутахассис |
| 9. М. Қаландаров | – Дин ишлари бўйича қўмита Зиёрат туризми бўлими бошлиғи |
| 10. Ҳ. Ҳасанов | – Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Muslim Tour” сайдиқлик фирмаси раҳбари |
| 11. Ж. Саламов | – Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти, и.ф.н., “Республикамиз ҳудудларида буддизм обидалари турмаршрутларининг 3D моделларини яратиш” инновацион лойиҳаси раҳбари |
| 12. Б. Садыбекова | – Хоразм Маъмун академияси раиси |
| 13. И. Абдуллаев | – Баҳоуддин Нақшбандий зиёратгоҳи мажмуаси бош имоми |
| 14. Г. Рассоқов | – Чор-Бакр мажмуаси бош имоми |
| 15. А. Иноятов | – Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори |
| 16. Ш. Зиёдов | – “Баҳоуддин Нақшбанд” ЁММ раиси |
| 17. К. Ҳайитов | – “Ипак йўли оғиси” УК бўлим бошлиғи, <i>Кенгаш масъул котиби</i> |
| 18. С. Холхўжаев | |

Изоҳ. Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига үшбу лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” февралдаги 100-сон қарорига
8-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш
учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”
2020 йил 10 июлдаги 433-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандига қўйидаги таҳрирдаги “п” кичик банд қўшилсин:

“п) юридик шахс штатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан тасдиқланадиган таълим муассасаларининг олий ёки ўрта маҳсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган ёки ушбу таълим муассасаларида малака оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлган камида бир нафар мутахассиснинг бўлиши (“чиқиш туризми” йўналиши бўйича “зиёрат” туризми фаолиятини амалга ошириш учун).”;

2) Туристик хизматларни сертификатлаштириш ва туристик индустрия обьектларини таснифлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Жойлаштириш воситаси, тоғ чанғиси трассалари ва пляж хизматлари бўйича туризм фаолиятини амалга ошириш фақат белгиланган тартибда тегишли сертификатлар олингандан кейин ва ularнинг амал қилиш муддати давомида қўрсатиш мумкин.

Сертификатнинг амал қилиш муддати, берилган сертификатнинг амал қилиш муддати даврида 3 марта (ҳар 1,5 йилда) инспекция назоратини ўтказган ҳолда беш йилдан иборат бўлади.

Туроператор хизматлари, умумий овқатланиш ташкилотлари (ресторанлар) хизматлари ва туристларга транспорт хизматини қўрсатиш хизматлари учун ихтиёрийлик асосида берилган сертификатнинг амал қилиш муддати, берилган сертификатнинг амал қилиш муддати даврида 1 марта (ҳар 2,5 йилда) инспекция назоратини ўтказган ҳолда беш йилдан иборат бўлади.

Сертификатнинг асл нусхаси бевосита сертификатлаштириш обьектида туради ва у учинчи шахсларга берилмайди.

Амалдаги сертификатсиз жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляж хизматлари бўйича туризм фаолиятини амалга ошириш қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.”;

б) 55-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“55. Режадаги инспекция назорати битимга асосан сертификатнинг амал қилиши даврида уч марта ўтказилади.

Сертификатлаштиришдан кейин:

биринчи режадаги инспекция назорати сертификат берилгандан кейин камида олти ой ўтгандан сўнг ўтказилади;

кейинги режадаги инспекция назоратлари аввалги инспекция назорати ўтказилгандан кейин камида ўн саккиз ой ўтгандан сўнг ўтказилади.”;

в) 64-банд қўйидаги мазмундаги “и” кичик банд билан тўлдирилсин:

“и) инспекция назорати даврида, шу жумладан яширин баҳолашнинг натижалари асосида Марказ томонидан берилган кўрсатма ва тавсияларда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларнинг 30 фоизидан ортиғи бажарилманганилиги ҳолатлари аниқланганда.”;

г) 5а-иловадаги “уч” сўзи “беш” деган сўз билан алмаштирилсин.

3) Ўзбекистон Республикасида хостеллар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди иккинчи хатбохисидаги “турар-жой биносига” деган сўзлар “бинога” деган сўз билан алмаштирилсин.

